



“Ўзбек” атамаси хакида турли фикрлар мавжуд. Тарихчи олимларимиз таъбирича: “ўзбек – ўзига ўзи бек” дегани. Яна бошка таъбирда ўзбек тарихини Ўзбекхондан бошлашади. Бу икки фикрда ҳам мантикий асос йўқ. Аввало, Ер юзида яшаётган каттами-кичикми хар бир халк ўзи ўзига бек, бошкага тобе бўлишни истамайди. Иккинчидан, агар тарих Ўзбекхондан бошланса, бу хонга “Ўзбек” деб ким исм берган? Бу исм осмондан олинмагандир. Демак, бу ном, бу атама аввал ҳам бўлган.

Мен тарихчи эмасман, олимликка даъво ҳам килмайман. Бирок, бу хусусда ўзимнинг катъий фикримга эгаман. “Киргиз” – кир ўгузи, “Гагауз” – кўк ўгуз демакдир. Туркий халкларнинг бобоси Ўгузхон бўлганлар. Бу ҳақда қадим тарих китобларида етарли маълумотлар бор. Айни Ўгузхон даврларида қавмларга (оилаларга) ном берилган: уйгур, қорлиқ, қибчоқ, қангли... (бу тарихга қизиққанлар Мирзо Улугбекнинг “Тўрт улус тарихи” асаридан баҳраманд бўлсалар дуруст) Бизнингча “ўзбек” – Ўгуз беги демакдир. Яъни Ўгузхон саройига яқин оила шундай аталган. Бу ҳол Европада ҳам бўлган. Масалан Россияда “дворянин” деган табақа бўлган. Яъни “прилиженный к царственному двору” – подшо саройига яқин бўлган киши. Яна Европада лорд, герцог, барон... каби табақалар борки, барчаси ҳукмдорга қанчалик яқинликни аңлатиб туради. Ўгуз беклари ҳам саройга шундай яқин бўлганлар. Тарихчи олимларимиз ўзларининг Якубовский, Бартольд, Бертелс каби ўзгачаларининг айтганларини маҳкам ушлаб олмасдан асл маъналарни ўрганиб, таҳлил қилиб, фикр юритсалар дурустроқ бўларди. Бизнинг тарихимизни ўрганиб, китоблар ёзганлари учун у зотлардан миннатдормиз. Бирок бу борада бир ҳақиқат мавжуд: бир миллат тарихини ўрганиб, баҳо бераётган бошка миллат вакилининг баён этилган фикрида албатта ўз миллати маънафати ётади. Ана шу маънафат ҳолислик йўлини тўсади.

Тоҳир Малик